

Саудия Арабистони 1 ноябрдан зиёратчиларни қабул қилишни бошлайди



12:15 / 24.09.2020 1463

1 ноябрдан бошлаб хавфсиз деб ҳисобланган мамлакатлар фуқароларига Саудия Арабистонига зиёрат мақсадида келишига рухсат берилади.

Саудия Арабистони ҳукумати 4 октябрдан босқичма-босқич зиёратчиларни қабул қилишни бошлайди. Бу ҳақда Ал Жазирага таяниб, knp.uz сайти [хабар берди](#).

Хабарда айтилишича, биринчи босқичда Умра зиёратчиларнинг кунлик сони 6000 киши билан чекланади – улар Саудия Арабистони фуқаролари ва мамлакатда истиқомат қиладиган бошқа шахслар бўлади.

Эслатиб ўтамиз, коронавирус пандемияси туфайли Саудия Арабистони барча халқаро қатновларни март ойининг бошида тўхтатган эди.